

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Нурматов Жобирхон Қодиржон ўғли

**Мавзу: Наманган шаҳрида Компьютер хизматини
ривожланиш истикболлари**

Мутахассислик: 5230400 – “Маркетинг”

Бакалавр академик даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Иф.д. профессор А.Солиев

Кириш	3-5
I Боб Маркетинг коммуникацияси моҳияти ва назарий асослари	6-32
1.1 Маркетинг тизимида коммуникация жараёнлари. . . .	6-14
1.2 Мултимедиа технологиялари ва воситалари	15-23
1.3 Наманган шаҳри иқтисодиёт ва унинг ривожланишида хизматларни урни	24-32
II Боб Наманган шаҳрида компьютер хизматларини ташкил этилиши	33-50
2.1 Наманган шаҳрида хизмат курсатиш соҳаларини ривожланиши	33-37
2.2 Наманган шаҳрида компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологиялари ривожланиши.	38-45
2.3 “Оргтехника Камера Техсервис” хусусий корхонасининг компьютерларни таъмирлаш хизмати.	46-50
III Боб Наманган шаҳрида замонавий хизмат турларини ривожлантириш истикболлари	51-71
3.1 Наманган шаҳрида компьютер хизматларини истикболлари.	51-57
3.2 Шаҳарда интернет хизмати ривожланиши	58-64
3.3 Шаҳарда умум-урта таълим муассасалари тизимида ахборот коммуникация технологиялари уқитиш ва ундан фойдаланиш йуллари.	65-71
Хулоса.	72-76
Фойдаланилган адабётлар	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармонини ҳамда вилоят ҳокимининг 2017 йил 11 февралдаги 60-сонли қарорида **“Хизматлар курсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, курсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”** даркор деб белгилаб қуйилди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг келгусида изчил ривожланишининг юқори иқтисодий самарадорлигини таъминловчи омиллардан ҳисобланган электрон хизматлар, компьютер хизмати, замонавий хизматларни ривожлантириш масаласи ута долзарбдир.

Шунинг учун мамлакатимизда кейинги йилларда энг замонавий хизмат турларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикасининг биринчи президентининг ПФ-3080-сонли **«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»** қонуни, 2003 йил 11-декабрь 560-II-сонли **“Ахборотлаштириш тўғрисида”** ҳамда 2012 йил 21 мартдаги ПК-1730-сонли **“Замонавий Ахборот-Коммуникация Технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”** ва 2015 йил 22 май **“Электрон тижорат тўғрисида”** янги таҳриридаги қонуни ва фармонлари ҳамда қарорлари қабул қилинди. Уларни ижросини таъминлаш бўйича мамлакатимизда электрон ҳукуматни шакллантириш ва шу асосда статистик, бухгалтерия, молиявий, банк тизими, улгуржи ва чакана савдо, тадбиркорлик фаолиятлари ҳисоботларини электрон тизимга айлантирилмоқда. Мазкур соҳалардаги олдинги қозғалар ёрдамида ҳисобот шакллари ишлашга нисбатан, ҳозир давлатимизда Янги замонавий электрон ҳисобот тизими жорий этилиши юқорида санаб утилган давлат

бошқаруви тизимларида меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келди. Энг муҳими жаҳон стандартлари даражасида бухгалтерия ва статистик хисоботларини жорий етилмоқда. Аҳолини шахсий компьютерлар билан таъминланган даражаси ва Интернетдан фойдаланиш курсаткичлари купайиб бормоқда. Аммо ҳозирги шароитда замонавий компьютер хизматларини йулга қуйиш Наманган шаҳрида ҳам ута долзарб масаладир. Ҳозирда Наманган шаҳрида аҳолини 30% гина интернетдан фойдаланмоқда. Бу албатта паст курсаткич хисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади - Наманган шаҳрида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва унда компьютер хизмати ролини ошириш буйича амалий тажрибаларни урганиш ва ривожланган давлатлар мисолида истикболларини белгилашдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари

- Маркетинг коммуникацияси моҳияти ва назарий асосларини ўрганиш ;
- Маркетинг тизимида коммуникация жараёнларини ёритиш ;
- Мултимедиа технологиялари ва воситаларини ўрганиш ;
- Наманган шаҳри иқтисодиёти ва унинг ривожланишида хизматларни ўрнини таҳлил қилиш;
- Хусусий корхоналарнинг компьютер хизматини урганиш ;
- Наманган шаҳрида компьютер хизматларини истикболларини белгилаш ;
- Шаҳарда интернет хизмати ривожланишини режалаштириш ;
- Шаҳарда умум-ўрта таълим муассалари тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш омилларини белгилаш ва бошқалар.

Битирув малакавий ишининг объекти Наманган шаҳридаги фаолият юритаётган хусусий корхоналар, Интернет хизмати филиаллари умум ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларини фойдаланиш жараёни.

Битирув малакавий ишининг предмети Наманган шаҳрида ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш ва компьютер хизматини ташкил этилиши буйича бозор субъектлари фаолияти.

Битирув малакавий ишининг назарий асослари бўлиб - Ахборот-коммуникация, технологияларидан фойдаланиш буйича мамлакатимиз ва чет эл олимлари асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Президент асарлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти Битирув малакавий ишида олиб борилган таҳлилий натижалар, Наманган шаҳридаги ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва хизмат курсатиш буйича фаолият юритаётган бозор субъектлари томонидан корхона фирма ва муассасаларга услубий кулланма шаклида ишлатилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби Битирув малакавий иши кириш, урта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I-Боб. Маркетинг коммуникацияси моҳияти ва назарий асослари

1.1. Маркетинг тизимида коммуникация жараёнлари

Коммуникация назарияси жуда қадимдан ҳозиргача шаклланиб ва ривожланиб келмоқда. И.В.Крилов¹ фикрича коммуникация белги, символ ва характер(образлар) орқали мақсадли ахборот алмашиш демакдир. Ч.Кулич² Коммуникация механизм бўлиб, у орқали инсонлар муносабатлари ҳаётийлиги ва ривожланишига имкон яратилади.

Ф.Данс ва К.Ларсон³ коммуникацияни 126 хил таърифини ҳисоблаб чиқишган. Уларнинг барчасида **«Хамма жараёнлар, улар орқали инсонлар бир-бирига таъсир ўтказадилар»**- деган умумий хулосага келишган. Ҳозирги замон коммуникациясини психолог С.Московичи⁴ қуйидагича таърифлайди. «Дунё аҳамиятига эга бўлган улкан оғирликлар, миллионлаб инсонлар учун трансмиллий ҳамжамиятлар томонидан гигант шаҳарлар ва бозорлар шаклида яратилмоқда ва уларни бир хил усулда яшаш ва истиъомол қилишга қўзғатилмоқда. Кейин электроника ва телевидение тармоқларини юксалиши инсонларни ўзаро боғламоқда, шу билан бирга ҳар бир инсон ҳаётининг негизи-марказига кириб бормоқда. Мазкур воситалар ҳар бир уй, иш жойи, дам олиш хоналарида бўлиб, инсон онгини бошқариб, уни шахсий ақлини оммавий фикрларга айлантириб юбормоқда». Б.М.Фирсов ўзининг ҳисоблари(Расм 1.1.1) билан, оммавий ахборот воситаларини ҳозирги жамият аъзолари ҳаётида бўш(эркин) вақтидан фойдаланишдаги аҳамиятини кўрсатиб берган.


¹ Крылов И.В. «Маркетинговые коммуникация» как социальный институт. М.1998.С.108.

² Кулич. Общественная организация. Текетыпо истории социологии ХХ1-ХХ веков. М.1994.с.379

³ Dance F, Larson The Function of Human Kottinication. A. Theoretical Approach. N.V.1976

⁴ С.Москович. Век Толп.Исторический трактат по психологии.масс.М.1996.

⁵ Фирсов. Б.М.тути развития средств массовой коммуникации. Социологические наблюдения Л.1997.



1-расм. Хар хил даврлардаги инсон умрининг таркиби(йилларда).

1. Ибтидоий жамоа одами(умр даври-18 йил).

2. Феодал давр одами(умрининг узоқлиги-35 йил).

3. Саноатлашган давр одами(хаётий даври-70 йил).

Коммуникация соҳаси омиллари томонидан оммавий ахборот воситаларини қуйидаги бешта функциялари аниқланган;

- Антенна функцияси-жамиятни хар хил ахборотлар билан таъминлаш;

- Кучайтиргич функцияси- маҳаллий воқеаларга драматик тус бериш ёки фактларни кўпайтириш;
- Фокус функцияси-лойихалар ичидан ўзгаришларни пайқаш сиёсати ва бизнес журналларда ёритиш;
- Ойна функцияси-химоялаш: атроф-мухитни, ижтимоий символларни, маданий обидаларни, миллат урф-одатлари ва бошқаларни.

Бизнинг фикримизча, коммуникация деганда, инсонлар орасидаги барча алоқа воситалари ва улар орқали ахборот алмашишни ташкил этиш жараёни тушунилади.

Маркетинг коммуникациялари эса, корхона ва унинг маркетинг тизимидаги субъектлари билан ўзаро ахборот алмашиш, шу орқали товари(хизмати) сотилишини тезлаштиришга эришишни мақсад қилиб қўяди.

Бозор субъектлари учун коммуникацияни икки даражасини ажратилади:

- Умумий коммуникация даражасида корхонани мазкур соҳада сиёсатини ишлаб чиқилади, стратегик мақсадлари ва уларга сотиш воситалари аниқланади;
- Корхонани таркибий тузилиши, реклама, сотишни рағбатлантириш, жаоатчилик билан ишлаш, ички коммуникация, хомийлик ва бошқаларга бўлинади. Улар фирмани стратегия ва тактикасини амалга оширишни режалаштиради.

Коммуникация ахборот алмашиш жараёни бўлиб, инсонлар орасидаги ўзаро ҳаракатларни сўз, жилмайиш, қадди-қоматини ҳолати ёки керакли нарсани ифодалаш усулларида иборат. Бу фикрлар мулохазалар алмашиш, сезиш ва таасурот қолдириш натижаси. Рахбар ўзининг 50 дан 90% гача иш вақтини коммуникацияга сарфлайди. Коммуникацияни тадбиркорлик фаолияти учун аҳамияти қуйидагилар:


- Коммуникация ахборот манбаи ва уни етказувчиси;
- Коммуникация иштирокчилари ахборотни тўғридан-тўғри алоқа орқали ўзининг ҳамкорларидан ва ташқаридан олишади;
- Тадбиркорлик стратегиясини амалга оширишда коммуникация юқори даражада самарадорликка эришиш воситаси сифатида намоён бўлади.

- Маркетинг коммуникациясининг субъектлари қуйидагилар:

- ➔ - Корхона
- ➔ - Воситачи-ташкилотлар
- ➔ - Улгуржи савдо
- ➔ - Чакана савдо
- ➔ - Охирги истеъмолчилар
- ➔ - Истеъмолчи-ташкилотлар
- ➔ - Хамкор-ташкилотлар
- ➔ - Рақиб-ташкилотлар
- ➔ - Молия-кредит муассасалари
- ➔ - Таъминотчилар
- ➔ - Маҳаллий одамлар
- ➔ - Фирма ходимлари
- ➔ - Акционерлар
- ➔ - Жамоатчилик ташкилотлари
- ➔ - Истеъмолчилар уюшмалари
- ➔ - Атороф-мухит химояси ташкилотлари
- ➔ - Жамоатчилик фикри-йўлбошчилари
- ➔ - Маҳаллий ҳокимият вакиллари
- ➔ - Конунчилик ва ижрочи ҳокимият вакиллари
- ➔ - Назоратчи ташкилотлар

Мазкур субъектлар корхона маркетинг коммуникациясидан тўғридан-тўғри фойдаланувчилар бўлиб, уларнинг фаолиятларини ривожланиши ҳам ўз навбатида бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, корхона маркетинг фаолияти самарадорлигига юқоридаги субъектлар хатти-харакатини фаоллаштириши, уларнинг корхона товари ёки хизматига бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгариши катта таъсир кўрсатади.

Корхона маркетинг коммуникацияларининг кўп хиллиги, уларга таъсир кўрсатишни ҳам хилма-хил воситаларидан фойдаланишини тақозо этмоқда(жадвал 1.1.1).



Жадвал:1.1.1 Маркетинг коммуникациялари воситалари.

Юқоридаги коммуникация воситаларидан фойдаланиш: талабни рағбатлантиришга; талаб-таклиф бозор механизмида баҳо эластиклиги учун яхши шароит яратишга; товарлар хизматлар хиллари ҳамда сифати тўғрисида ахборотлар тарқатишга; фирмани имиджини ва нуфузини шаклланишига; фирмани товар ва нарх сиёсатлари, товарларни фаол сотиш усуллари, ярмаркалар, кўргазмалар хақида истеъмолчи-харидорларни фикр-мулоҳазасини шакллантиришга; рақобатчи фирмаларга нисбатан ижобий натижаларга эришаётгани, товар ва хизматларнинг сифат кўрсаткичларини истеъмолчилар талаб-эҳтиёжларига мослаштирилаётгани тўғрисида ахборотлар тарқатишга катта имкониятлар яратади.

Электрон тижорат (е-тижорат,инглиз,-“e-commerce”)-бу Интернет оркали савдо-сотик амалиётларини ташкил етиш.

Сўнгги йилларда жахонда Интернет тармоғи ёрдамида амалга ошириладиган электрон бизнесни жадал ривожлантирилиши кузатилмоқда. ИДС компанияси томонидан 2010-йилда олинган турли мамлакатларда Интернет хизматидан фойдаланган аҳолининг салмоғи бўйича маълумот, шунингдек, 2015-йил учун салмоғи 1.1.2жадвалда келтирилган.

1.1.2-жадвал

Турли мамлакатларда Интернет хизматидан фойдаланадиган аҳолининг салмоғи

Мамлакат номи	Интернет хизматидан фойдаланган ёки фойдаланадиган аҳолининг салмоғи, фоизда	
	2010-йил	2015-йил
АҚШ	32	92
Германия	27	87
Англия	21	85
Бенилюкс	28	89
Франция	42	95
Италия	19	35
Испания	17	31

НУА маълумотига кўра, 2015-йил май ойида жахонда Интернет тармоғи фойдаланувчиларининг умумий сони 545,3 млн. кишини ташкил қилган. Минтақалар бўйича: Африкада 2,3 млн. киши, Осиё-Тинч океан минтақасида – 47,97 млн. киши, Европада – 125,9 млн. киши, Ўрта Шарқда – 1,88 млн. киши, Канада ва АҚШ да – 361,63 млн. кишини Ташкил қилган.

Маълумки, электрон бизнес (Е-Соммерсе) Интернет-технологиялар ёрдамида ҳамда бевосита Интернет тармоғи ёрдамида амалга оширилади. “Е” – бу елестронис (электрон) бўлиб, лотин тилида тезкор дегани.

“Е” – бу есономиса, инглиз тилида тежамкор дегани.

“Е” – бу extendent business, яъни чегараси йўқ бизнес дегани.

Шундай қилиб, электрон бизнес – бу чегараси йўқ бўлган бизнеснинг тезкор ва тежамкор тури, деган хулосага келиш мумкин.

Ўзбекистон Интернет тармоғидан фойдаланиш орқали бизнес фаолияти ривожланишининг дастлабки босқичида турибди. Шу билан бирга, ушбу жараён бошланган. Интернетдан фойдаланувчилар сони сезиларли даражада ўсиши кузатилмоқда.

Ўзбекистонда Республикасида электрон тижоратни янада ривожлантириш мақсадида **«Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар** киритиб янги таҳрири 2015 йил 22 май, тасдиқланди.

Ҳозирги пайтда Республикамизда электрон бизнеснинг предметини асосан китоблар, аудио ҳамда видео кассеталар ва хизматларнинг баъзи турлари ташкил қилади. қайд этилган товарлар танлови уларни харидорга етказиш нисбатан осонлиги билан изоҳланади. Бу еса республикада яхши ривожланмаган транс-порт инфратузилмаси учун айниқса муҳимдир. Эксперт маълумотларига кўра, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган электрон магазинлар сони 100 тага яқин. Уларнинг 70 фоизи Тошкентда жойлашган. Ушбу магазинларда чоп этилган нашрларнинг электрон версияларини сотиб олиш, китоблар, мусиқа ҳамда видео-компакт дисклар, компьютер ўйинлари, тиббий мақсаддаги товарлар ва хизматлар, видео-маҳсулот монтажи учун ускуналар ҳамда дастурий таъминотни, санъат асарларини сотиб олиш мумкин. Махсуслаштирилган электрон магазинларидан ташқари, товарларни кенг ассортименти таклиф этадиган савдо уйлари ҳам мавжуд (автомобил эҳтиёт қисмлари, компьютерлар ва маиший техника, хўжалик товарлари, қурилиш материаллари, офис мебелли, антиквариат ва ҳ. к.). Интернет ёрдамида, шунингдек, молия, ишга йуллаш, туризм соҳасида фонд, риелторлик, компьютер ва бошқа бозорларида ишлайдиган фирмаларнинг турли хил хизматларидан фойдаланиш мумкин. Мисол тариқасида биз www.korзинка.uz озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган электрон

магазин, www.ярмарка.уз эса техника маҳсулотларини сотиб олиш учун мўлжалланган электрон магазинларни айтиб ўтишимиз мумкин. 01.01.2016-йил ҳолатига Ўзбекистонда амал қилган электрон магазинлар сони 1.1.3-жадвалда келтирилган.

1.1.3-жадвал

Ўзбекистондаги электрон магазинлар таркиби

(2016-йил бошига)

Ихтисослашган электрон магазин-лар гуруҳларининг номи	Сони, дона	Салмоғи, %
Автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари	36	2.55
Уй-рўзғор техникаси ва электроника	106	7.50
Болалар дунёси	28	1.98
Сан'ат ва ҳашамат буюмлари	21	1.49
Китоблар	264	18.67
Компьютерлар	72	5.09
Ўзаллик ва саломатлик	85	6.01
Мода ва кийим-кечак	27	1.91
Муסיқа ва филмлар	128	9.05
Бизнинг уйимиз	141	9.97
Совғалар, сувенирлар, гуллар	72	5.09
Дастурий та'минот	72	5.09
Озиқ-овқат маҳсулотлари	72	5.09
Алоқа ва идора	222	15.7
Спорт буюмлари	44	3.11
Бошқалар	24	1.70
Жаъми	1414	100

Манба:

Хозирги кунга келиб электрон тижорат республикамызда буйича сони 1414 та етди. Бундан 72 та электрон магазинлар компьютер сотиб олиш оргтехника дуконлари, 222 таси еса дастурий таъминотга тегишли. Хозирда электрон тижорат оркали уйдан туриб сотиш ва сотиб олиш имконияти мавжуд. Бунга мисол килиб хозирда Ўзбекистонда биринчи ракамли элонлар

хизмати бу OLX.UZ хисобланади. Бу хизмат бой тарихга эга. Бу хизмат уз ишини 2004 йилда TORG.UZ номи остида иш бошлади ва Узбекистон аҳолиси купчиликнинг севимли хизматига айланди. 2015 йил баҳор ойидан бошлаб хизмат OLX.UZ бренди остида ишлаб келмокда ва 40 дан зиёд мамлакатда иш юритаётган халқаро эълонлар майдони тармогининг бир қисми бўлиб хизмат килмокда. Хар ой OLX.UZ хизмат базаси тахминан 100 минг янги таклифларга купайиб боради.

1.2 Мултимедиа технологиялари ва воситалари

XX асрнинг энг улуг илм-фан ютуклари натижаси булган “Электроника” ютуқларини коммуникацияга ўта юқори тезлик билан кириб келиши телевидение, компьютерлар ва электрон тармоқлар орқали ахборотлар алмашиш тизимини-мультимедиа технологияларини шаклланишига олиб келади. Бунинг оқибати-рекламанинг оддий воситаларини(матбуот, оғзаки ахборот ва х.к) иккинчи даражага тушириб қўйди. Ахборотларни рақамли қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имкониятларидан фойдаланиш-мультимедиа технологиялар, кейинги йилларда дунё фани ва технологиясидаги инновациянинг асосий ютуқларидир.

Мультимедиа технологиялари- ўта мураккаб медиа воситалари ва электрон тармоқларининг кўп соҳали коммуникация имкониятларини шакллантириш ва улардан бизнес амалиётида фойдаланиш усуллари мажмуасини ифодалайди.

Жадвал 1.2.1

Коммуникация воситаларини ўзлаштириш даврлари

Воситалар	Ўзлаштириш вақти, йил
1.Сўз	500000
2.Ёзув	4000
3.Ёзув станог	500
4.Телефон	100
5.Радио	50
6.Телевидение	25
7.Шахсий компьютер	25
8.Спутник алоқаси	10
9.Интернет	5

Мультимедиа технологиялари интерфаол маркетинг ва тижорат коммуникацияларини вужудга келишига асос бўлди. Улар бизнес-коммуникацияни янги сифат даражасига кўтаришга имконият яратиб-ҳар қандай турдаги ахборотни-ёзма шаклдан то мультимедиа (графикли, аудио ва видео ахборотлар)гача ишлатишга йўл очиб беради.

1.2.1 жадвал Крылов И.В. Маркетинг(социология маркетинговых коммуникаций. Уч. Пос. М. Изд во «центр» 1998)

Ахборот, олиш ва тарқатиш чегерасиз(сон-саноксиз) истеъмолчиларни хар қандай фаолият соҳаларини-фан, таълим, тижорат, маркетинг, логистика, сиёсат, дам олиш,

туризм ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин. Айниқса, мультимедиатехнологиялари узоқ тоғлик, чўл ва бошқа худудларда жойлашган, ахборот олиш мураккаб бўлган тадбирлар ҳам осон ва арзон фойдаланишлари мумкин.

Мультимедиатехнологияларини энг асосийлари бўлиб, электрон ахборот алмашуви ва интернет хисобланади.

Бизнесда мувоффақият гарови бўлиб ҳамкорлар билан электрон ахборот алмашиш тизими хисобланиб келмоқда. Фирманинг ички ва ташқи коммуникацияларини оптималлаштиришда энг кўп Edifact(Electronic, Data interchange for administation, commerce and Transport) тизими ишлатилмоқда. Бу-жахон бизнес-коммуникациясида, ратификацияланган бошқарилувчи электрон ахборот алмашиш тизими бўлиб, бир соҳада чегараланмайди, бошқарув, тижорат ва транспорт доирасини ўз ичига олади.

Edifactни мақсади-стандартлаштирилган электрон бизнес ахборотларни қўллаш асосида қоғозсиз тарансакция даражасидаги ишларни бажаришдан иборат.

Edifact ахборотларни барча бўғинларга-таъминотчидан бошлаб ишлаб чиқариш, товарни етказиш, мижозларга хизмат қилиш ва ташқи инфратузилмалар(банк, суғурта, божхона)га утказишга имконият яратади.

Edifact тизимини кэнг миқёсда қўлланилишига сабаб, унинг қуйидаги стратегик устиворликларидир:

- Мижозлар билан алоқани мустахкамлайди;
- Имиджни қўллаб-қувватлайди;
- қисқа муддат ичида бозорни тез тахлил қилади;
- фирмани манзилидан қатъий назар ишлатиш мумкинлиги, мижозлар буюртмаларини тез хисоб-китоби эвазига, уларнинг қониқишлари;
- бозорни кэнгайтириш имкониятлари;

- товар ишлаб чиқаришга вақтни тежаш;
- товар ҳаракати ва сотиш тизимида режалаштиришни ишончилиги;
- Халқаро коммуникацияда тилга боғлиқ тўсиқларининг йўқлиги.

Edifactни жорий аҳамиятларига келсак-коммуникация воситалари ишончилигини ошириши, тезлашиши, алоқа харажатларини қисқартириш, импорт ва экспортни тезлашиши ва тартибга тушишидан иборат.

Корхоналар электрон коммуникациялари орқали мижозлар билан алоқага киришиш ва уни мустахкамлашлари мумкин.

Интерактив коммуникациялар деганда, ҳисоблаш машиналарини ишлатиш асосида алоқага киришиш тушинилади. Ундан фойдаланувчи ахборотга хохлаган вақтида, хохлаган жойида, эркин ва кўп маротаба, турган жойида(автомобил) ёки бошқа ерда тармоқ орқали киришиши ва фойдаланиши мумкин. Интерактив коммуникация рақамли автоном ахборот ташувчиларига-дискет, лазер диски, терминал ва норматив ҳисоблаш машинасига асосланган.

Шахсий коммуникациядан фарқли ўлароқ юқоридаги коммуникация ахборот ташувчиларидан фойдаланиш компьютерга асосланган.

Дискет ва лазер дисклари- тез ривожланаётган, стандартлаштирилган ва осон юборилувчи коммуникация ташувчиларидир. Уларни почта орқали юбориш, ярмаркаларда, кўргазмаларда мақсадли-истеъмолчилар гуруҳларига тарқатиш мумкин.

Доимий ўрнатилган терминал фойдаланувчига, ўзининг коммуникация ташувчисини барча параметрлари-техник таъминланганлиги, оптик жихозланиши, интерфейс, жойланиши, тармоққа уланиши эркин аниқлашига имконият беради.

Терминаллар, фойдаланувчи томонидан қўйилган вазифаларга ўта сезгирлик, ахборотларни овозли ва визуал қайта ишлатишини таъминлайди. Ишлатувчи интерфейс сифатида энг аввало дисплей, у билан бирга принтерлар, магнитли ва чипкартани ишлатиш ускуналари, сканерлар, аудио ва видеотелефонлар ишлатилади. Маркетинг ва тижорат ахборотларни олиш имкониятларини

кэнгайтириш учун терминалларни товар харакати, сотилиш жараёнлари тизимига тўланади.

Портатив ҳисоблаш машиналари коммуникация ташувчиси бўлиб назорат қилинадиган тизим ҳисобланади. Уларнинг компьютерлардан фарқи лазер дисклари ва дискетларни ишлатиш имкониятларидир.

Замонавий фан ютуқларини ўзига мужассамлаштирган ахборот технологияси-глобал компьютер тармоғи-интернет бўлиб, компьютерлар қайта ишлаган ва шакллантирган гипермедиа мухитини(КГС) биринчи ишлатилишини(амалиётга тадбиқ этилишини) таъминлайди. КГС электрон диалог ахборот тизимидан кўп томонлама коммуникатив(харакатчан)лиги билан фарқ қилади.

Компьютер ахборот гипермухити-харакатдаги глобал тақсимлаш тармоғи бўлиб, ўзига аппаратлар ва дастурий таъминотни олади. У мазкур муҳитда интерактив операция-жараёнларини, мулоқотларни ўтказишга имкон беради. Компьютерлар ўзаро харакати орқали яратилган гипер мухит, коммуникатив бўшлиқ бўлиб, ахборот имкониятига эга бўлган коммуникатор ва коммуникат мухит орқали диалог, шахсий мулоқот олиб боришга шароит яратади.

Интернет мухитини яна бошқа томони-унда гипертекстни бўлиши. Гипертекст ахборотлашган объектлар тизимидир.

Интернет глобал ахборот тизими деб тушинилади. Интернет хизматлари ичида тижорат ишларида кўпроқ ишлатиладиган: электрон почта(e-mail), телеанжуманлар(Usenet), юбориш рўйхати(mail lists), интерактив хизматлар-LRC, MUD, MOO, гипермаркет тизими Copher, гипермедиа тизими WWW(Word Wide Web)-дунё ўргамчак тўри, каталоглар.

Электрон магизин- Web-сервер бўлиб, электрон каталог орқали интернетдан фойдаланиб товарни тўғридан-тўғри сотишни билдиради.

Бозор сервери-интерактив магазинлардан ташкил топиб, ҳар бири бир неча хил сотиладиган товарларни сақлаб туради.


Интернет коммуникация воситаси ва мухити сифатида барча билимлар тўғрисида катта ахборотни жамлаган, дунёдаги энг нуфузли фирмалар ва

уларнинг кэнг истеъмолчилар оммаси билан алоқада бўлганлиги сабабли уни бирламчи маркетинг тадқиқотлари ўтказишда қўлланиши, товар бозорини, фирмалар таркибини ва истеъмолчиларни тадқиқ қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Хозирги даврга келиб мултимедиа васиталари қуйидагиларни ташкил этади.

Компьютер - ҳисоблашларни бажариш, шу жумладан электрон шаклдаги ахборотни олдиндан белгиланган алгоритм бўйича қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва ишлов бериш учун мўлжалланган электрон машина.

Компьютер сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “ҳисоблаш”, “ҳисоблагич” деган маъноларни билдиради.



1 - Монитор; 2 - Она платаси; 3 - Процессор;
4 - Видеокарта; 5 - Хотира; 6 - Озуқа блоки;
7 - Дискковод; 8 - Қаттиқ диск; 9 - Клавиатура;
10 - Сичқонча

Notebook – мобил ихчам шахсий компьютер бўлиб, унинг асосий қисми ва монитори бирлашган ҳолда бўлади. Бундай компьютерларнинг кўпчилиги деярли стандарт клавиатурага, компьютер графикаси воситаларига эга.



Netbook - Интернетдан фойдаланиш ва офис дастурлари билан ишлаш учун мўлжалланган кичик ноутбукдир. Нетбуклар ихчам ўлчамлари, кичик вазни, кам энергия истеъмоли ва нисбатан арзон нархлари билан ажралиб туради.

Сичқонча (ингл. mouse – *сичқон*) маълумот киритиш қурилмаси бўлиб, бирор текислик бўйлаб юрғизилганда остидаги лазер нури ҳаракат ҳақидаги маълумотни компьютерга узатади ва экрандаги курсор мос йўналишларда ҳаракатланади.

Клавиатура (ингл. keyboard) Компьютерга турли шаклдаги ахборот киритиш йўлларида бири клавиатурада жойлашган тугма (клавиш)лар кўмагида амалга оширилади. Стандарт клавиатураларда 101 ёки 102 та клавиш бўлади.

Монитор компьютернинг иш жараёнида вужудга келадиган ахборотларни экранда ёритиб беришга хизмат қиладиган қурилма. Монитор *график* ёки *матн* ҳолатида ишлаши мумкин.



Проекторлар ва экранлар маълумотларни йирик ўлчамда тасвирлаш учун ишлатиладиган қурилмалардир.

Унда тасвир ўлчами экранда йирик ҳолатда акс эттирилади. Бу қурилмалар компьютер билан биргаликда фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, кўпроқ катта аудиторияларда ва залларда ҳамда турли мажлисларда презентация ва видеороликларни намойиш қилиш учун ишлатилади.

Видеопроектор компьютер ва шунга ўхшаш намойиш воситаларининг алоҳида қўшимча монитори ҳисобланиб, тасвирларни йирик ҳажмда тасвирлаш учун мўлжалланган.

Экран - видеопроектор орқали ёритилаётган материалларни ўзида тасвирловчи элемент.



Принтер (ингл. Printer— *чоп қилувчи*) маълумотларни қоғозга чиқариш қурилмаси.

Принтерларнинг уч хили мавжуд: босма, пурковчи ва лазерли. Босма принтер игналар ёрдамида, пурковчиси найча ёрдамида, лазерли принтер еса махсус барабан ёрдамида чоп қилади. Пурковчи ҳамда лазерли принтерлар ёрдамида рангли маълумотларни чоп етиш мумкин.

Сканер (ингл. scanner - ўқиб олувчи) маълумотларни нурли лампа ёрдамида расми кўринишда компьютер хотирасига ўқиб олувчи қурилма. Сканерларнинг асосан икки тури мавжуд: стол усти сканерлари ва қўл сканерлари.



Флеш дисклар жуда катта ҳажмдаги ахборотни ўз ичига сиғдира оладиган ярим ўтказгичли элементлардан қурилган хотира. Ҳозирги кунда флеш хотираларнинг ҳажми 32 Гб гача бўлган ахборотни ўзига сиғдира олади. Флеш хотиралар ўлчам жиҳатидан жуда кичик бўлиб фойдаланиш учун жуда қулаш.

CD дисклар – бу компакт диск сўзларининг бош ҳарфларидан олинган номли дисклар бўлиб, ахборотларни сақлаш учун оптик юзадан иборат, юмалоқ диск кўринишидаги ахборот ташувчи ҳисобланади. Компакт дисклар 700 Мбайт ҳажмга эга бўлиб, унга маълумот диск ўқувчи қурилманинг лазер нури ёрдамида ёзилади ва ўқилади.

DVD дисклар – бу дижитал видео диск сўзларининг бош ҳарфидан иборат номли дисклар ҳисобланади. Бу дисклар 4.5 Гбайт ҳажмга эга бўлиб, CD дискларга нисбатан 7 баробар кўп ахборот сиғдириши мумкин.



Компьютерда мультимедиа (аудио, видео) маълумотларини намойиш этиш

Компьютер ҳозирги кунда ҳисоблашларни бажарибгина қолмай, балки мусиқа ва видео маълумотларни ҳам қайта ишлаш ва намойиш қилиш имкониятига эга.

Компьютерда мусиқа тинглаш учун компьютерга қўшимча карнай (колонка) ёки қулоққа тақиладиган махсус ускуна уланган бўлиши талаб қилинади. Шундан сўнг мусиқаларни намойиш этишга мўлжалланган махсус дастур (Winamp) ёрдамида мусиқа тинглаш мумкин. Ҳозирги кунда компьютерларда мусиқаларнинг MP3 формати кэнг тарқалган.

Компьютерларда видео намойиши унинг экрани орқали амалга оширилади. Бунда видеофильмларни намойиш этишга мўлжалланган махсус дастурлар (Media player) ёрдамида фильмларни компьютер экранида томоша қилиш ва унинг овозини карнайлар орқали эшитиш мумкин.



1.3 Наманган шаҳри иқтисодиёти ва унинг ривожланишида хизматларни урни

Наманган шаҳри қадимги шаҳарлардан бири бўлиб, тарихий манбааларга кўра тахминан 1610 йилда ташкил топган. Наманган шаҳри рельефи асосан текислик минтақалилик ҳарактерига эга. Ер юзаси шимолдан жанубга ва ғарбдан шарққа томон пасайиб боради. Дэнгиз сатҳидан ўртача баландлиги 450 метрни ташкил қилади. Иқлими кескин континентал бўлиб, жанубий, яъни текислик минтақасида субтропик иқлимга мансуб. Ёз ойларида ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, қуруқ ва иссиқ бўлади.

Наманган шаҳри вилоятнинг маркази ҳисобланиб, умумий майдони 83,0 кв.км бўлиб, шундан 1,57 кв.км экин майдони, 23,27 кв.км уй-жой фонди, 2,34 кв.км дарахтзорлар, 1,52 кв.км яйлов, 0,13 кв.км ўрмон, 62,24 кв.км йўл, ариқ ва бошқа ерларни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда шаҳарда 82 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда 126090 та хонадонлар мавжуд.

2016 йил 1 январь ҳолатига доимий аҳолии сони 594236 минг киши.

Жадвал 1.3.1

Меҳнат ресурслари, меҳнат бозори ва иш билан бандлик

2016 йил (йиллик)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг йиллик ўртача сони	<i>минг киши</i>	253,0
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, 01.01.2016 й. ҳолатига	<i>минг киши</i>	288,6
Иқтисодий фаол аҳоли сони	<i>минг киши</i>	103,1
Иш билан банд аҳоли ўртача сони	<i>минг киши</i>	203,2
<i>шу жумладан:</i>		
кишлоқ хўжалигида	<i>минг киши</i>	51,9
саноатда	<i>минг киши</i>	25,5

қурилишда	<i>минг киши</i>	17,3
транспортда	<i>минг киши</i>	5,4
алоқада	<i>минг киши</i>	2,2
савдо, умумий овқатланиш моддий таъминот, тайёрлов корхоналарида	<i>минг киши</i>	24,3
уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат	<i>минг киши</i>	6,4
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	<i>минг киши</i>	15,3
халқ таълимида	<i>минг киши</i>	20,2
маданият ва саънат	<i>минг киши</i>	3,4
суғурта, молия, ва нафақа жами	<i>минг киши</i>	2,3
бошқарув органларида	<i>минг киши</i>	3,6
бошқа соҳа ва тармоқларда	<i>минг киши</i>	30,5
Расмий секторларда бандлар сони	<i>минг киши</i>	102,7
Норасмий секторларда бандлар сони	<i>минг киши</i>	77,9
Кичик тадбиркорлик субъектларида банд аҳоли сони	<i>минг киши</i>	21,7
Жами ишсизлар сони (106 қарор бўйича чораклик мониторинг маълумотлари асосида)	<i>киши</i>	10668
Ишсизлик даражаси	<i>%</i>	5,0
Рўйхатдан ўтган (ишсиз мақомини олган) ишсизлар сони	<i>киши</i>	103
Ишсизлик нафақаси тайинланган ишсизлар сони	<i>киши</i>	3
Ўртача ойлик иш ҳақи*	<i>сўм</i>	148600

Манба: Қишлоқ хўжалиги ва кичик корхоналардан ташқари

2016 йил Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг йиллик ўртача сони 253 минг киши булса бундан Иш билан банд аҳоли ўртача сони 203,2 минг кишига етди. Ундан иқтисодий фаол аҳоли сони еса 103,1 минг киши ташкил этади. (1.3.1 жадвал)

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1230656,2 млн. сўмни ташкил этиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштира нархларда 18,2 фоизга ёки 260601,9 млн.сўмга кўпайди. 2016 йил январ-декабр ойларида ишлаб чиқариш ҳажмлари 5 та корхонада 24326,7 млн.сўмга камайди. Халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш 969512,8 млн.сўм бўлиб, ўтган йилга нисбатан 125,0 фоизни ташкил этди. 1 та корхонада халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,4 млн сўмга камайди. Вилоят бўйича жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 45,8 фоизини ва халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни 54,5 фоизини Наманган шаҳри хиссасига тўғри келади.

Наманган шаҳрида 2016 йил якуни билан қурилиш пудрат ишлари ҳажми 212,5 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан бу кўрсаткич солиштира нархларда 111,3 фоизни ташкил этди. Шаҳарда 2015 йилда ижтимоий соҳа объектларининг ишга тушириш дастури ортиги билан бажарилди.

2016 йил якуни бўйича Наманган шаҳрида ташқи савдо айланмаси ҳажми 124341.1 минг АҚШ долларини ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 83,8 фоизни ташкил этди. Шундан экспорт ҳажми 36199,7 минг АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 81,7 фоизни ташкил этди. Импорт ҳажми 88141,4 минг АҚШ долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 84,8 фоизни ташкил этиб, - 51941,8 минг АҚШ долларлик салбий сальдони ташкил этди. (жадвал 1.3.2)

Наманган шаҳрида асосий ижтимоий иқтисодий курсаткичлар

Жадвал-1.3.2

	Ўлчов бирлиги	2016 йилнинг январ-декабр ойларида	Ўтган йилнинг шу даврига нис- батан, (фоиз)
--	------------------	--	---

➤ Саноат

<u>Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</u>			
<i>Амалдаги нархларда</i>	Млн. сўм	1230656,2	126,9
<i>Солиштирма нархларда</i>	Млн. сўм	1195908,1	118,2
Халқ истеъмоли моллари Ишлаб чиқариш ҳажми	Млн. сўм	969512,8	125,0

➤ Капитал қурилиш ва инвестициялар

Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млн. сўм	416439,7	87,3
Қурилиш ишлари	млн. сўм	212523,9	111,3

➤ Ташқи иқтисодий алоқалар

шу жумладан			
<i>Экспорт</i>	Минг АҚШ доллари	36199,7	81,7
<i>Импорт</i>	Минг АҚШ доллари	88141,4	84,8

2016 йилнинг 1 январ ҳолатига шаҳар бўйича жами 9 та йирик саноат корхоналари давлат рўйхатига олинган бўлиб, шундан 2016 йил январ-декабр ойлари давомида 9 та корхона томонидан маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2016 йил давомида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан амалдаги нархларда 1230656,1 млн.сўмлик, солиштирма нархларда эса 1195908,1 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирма нархларда 118,2 фоизни ташкил этиб, 260601,8 млн.сўмлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилди.

Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларининг 26,9 фоизи йирик, 26,1 фоизи кичик корхоналарга, 14,2 фоизи уй хўжалиги, 2,0 фоизи ёрдамчи саноат корхоналар, 13,7 фоизи микрофирмалар, 17,0 фоизи яқка тартибдаги жисмоний шахслар меҳнат фаолияти хиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида мазкур корхоналар томонидан 969512,8 млн сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 125,0 фоизни ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 193902,6 млн сўмлик истеъмол моллари кўп ишлаб чиқарилди.

Жами ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларининг 52,8 фоизи ёки 511570,7 млн. сўмлиги озиқ-овқат маҳсулотлари, 47,2 фоизи ёки 457942,1 млн сўмлиги ноозиқ-овқат маҳсулотларидир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишида Намангандонмаҳсулот АЖ (ўсиш сурати 112,0 фоиз), «Coca-cola» қўшма корхонаси (ўсиш сурати 489,5 фоиз), «VERIGROW IPAGI» МЧЖ шаклидаги хорижий корхона (ўсиш сурати 117,4 фоиз) ҳамда «NESTLE UZBEKISTON» МЧЖ шаклидаги (ўсиш сурати 118,6 фоиз) қўшма корхонасининг улуши сезиларли даражада бўлганлиги кузатилди.

2015 йил январ-декабр ойлари давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 та корхонада «Наманганмаш» АЖ корхонасида 579,1 млн. сўмга, «Уз-Часис» қўшма корхонасида 17345,7 млн. сўмга, «Электр қурилмалари» корхонасида 1158,0 млн. сўмга, «Карбонам» МЧЖ корхонасида 4252,2 млн. сўмга, ҳамда «Наманган Тўқимачи» корхонасида 990,9 млн.сўмга камайди.

Чакана товар айланмаси

2016 йил (йиллик)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Чакана товар айланмасининг умумий ҳажми	<i>млн. сўм</i>	1307846,1
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	120,5
<i>шу жумладан</i>		-
Расмий ҳисобдаги товар айланмаси ҳажми	<i>млн. сўм</i>	336260,8
Жамидаги улуши	%	25,8
Деҳқон бозорларининг ҳажми	<i>млн. сўм</i>	504026,8
Буюм бозорлари	<i>млн. сўм</i>	-
Чорва моллари бозори	<i>млн. сўм</i>	-
Қурилиш материаллари бозорлар	<i>млн. сўм</i>	-
Транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар бозори	<i>млн. сўм</i>	-
Уюштирилмаган бозор ҳажми	<i>млн. сўм</i>	966585,3

2016 йил Чакана товар айланмасининг умумий ҳажми 1 307 846,1 млн сум ташкил етган булса утган йилга усиш суръати 120,5 % ташкил этади. Бундан уюштирилмаган бозор ҳажми 966 585,3 млн сум ташкил етган булса, расмий ҳисобдандаги товар айланмаси ҳажми 336 260,8 млн сум ташкил этади.

(1.3.3 жадвал)

Наманган шаҳрида иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган ҳамда кўрсатилган хизматлар ҳажми ҳам бошқа соҳалар каби ривожланиб келмоқда. Жами хизматлар миқдори 2016- йилда 1607081.7 млн сумни ташкил қилган. Буни ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати еса 122.0 фоизни ташкил қилади. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 2016- йилда 55967.9 млн сўмни ташкил қилган . Утган йилга нисбатан ўсиш суръати 131.4 фоизни ташкил қилади **компьютерлар хизмати** эса 2016- йил 718.9

сўмни ташкил қилган ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 110.0 фоизни ташкил қилади. (1.3.4- жадвал)

Жадвал 1.3.4

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб
чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар**

2016 йил (йиллик)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Жами хизматлар	млн. сўм	1607081,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	122,0
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	млн. сўм	55967,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	131,4
Компьютерларни программалаштириш хизмати	млн. сўм	718,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	110,2
Молия хизмати	млн. сўм	129216,3
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	131,3
Транспорт хизматлари	млн. сўм	254089,2
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	104,5
Қурилиш хизмати	млн. сўм	83750,1
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	140,6
Техника ва ускуналарни таъмирлаш хизмати	млн. сўм	11475,6
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	107,8
Қишлоқ хўжалик техника ва технологияларини таъмирлаш хизмати	млн. сўм	10710,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	27,5
Туризм хизмати	млн. сўм	1933,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	49,0
Савдо ва умумий овқатланиш	млн. сўм	360593,2
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	138,0
Маиший хизмат курсатиш	млн. сўм	80932,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	119,8
Таълим хизмати	млн. сўм	84256,1
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	127,2
Соғлиқни сақлаш хизмати	млн. сўм	30304,2
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	130,5
Қишлоқ хўжалик хизмати	млн. сўм	16519,4
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	837,0
Бошқа хизматлар	млн. сўм	486613,4
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	110,5
Аҳоли жон бошига	минг сўм	3346,0

хизмат кўрсатиш ҳажмлари (солиштирма ҳисобларда)		(жадвал-1.3.5)	
	Ўлчов бирлиги	2016 йилнинг январ-декабр ойларида	2015 йилга нис- бати, (фоиз)
Чакана савдо айланмаси	млн. сўм	1479857,9	122,8
Шу жумладан:			
Уюшган савдо	млн. сўм	395844,5	120,9
Уюшмаган савдо	млн. сўм	1084013,0	123,4
